



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 8, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST
VOLUME 8, ISSUE 8



ТОШКЕНТ-2025

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc),
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат техника университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Агамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодири Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc),
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Андижон давлат университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc),
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc),
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Бахадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Исоқов Бахтиёр Робидинович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

Турсунова Юлдуз Бобоқуловна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
ЎзР. ФА. Тарих институти

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


| | |
|---|----|
| 1. Ganjina Azimova NOYOB KITOBLAR FONDI O‘ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYIDA..... | 5 |
| 2. Елена Гордеева СТРОИТЕЛЬНЫЕ ТРАДИЦИИ РАННИХ ЗЕМЛЕДЕЛЬЦЕВ ДРЕВНЕГО ШАША..... | 11 |
| 3. Mohinur Isaqova YANGI O‘ZBEKISTONDA XALQCHIL VA INSONPARVAR DAVLAT QURISHNING IJTIMOIY-SIYOSIY AHAMIYATI..... | 16 |
| 4. Pyos Oqbo‘tayev KOREYS XALQINING TO‘LJANJI MAROSIMI VA UNING TRANSFORMATSIYASI..... | 22 |
| 5. Жамшид Пиримкулов ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САНОАТ ШАҲАРЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ..... | 29 |
| 6. Xumora Pozilova TIRNAB BEZAK BERILGAN SOPOL IDISHLARLARNING TARIXIY ILDIZLARI, XRONOLOGIYASI, TARQALISH GEOGRAFIYASI VA O‘RGANILISHI..... | 39 |
| 7. Murod Raxmatov “YANGI TURKISTON” JURNALI – MA’RIFAT VA KURASH MINBARI..... | 46 |
| 8. Boburjon Teshaboyev FUQARO MUHOFAZASI VA FAVQULODDA VAZIYATLAR SOHASIDA KADRLAR TAYYORLASH TIZIMINING RIVOJLANISH BOSQICHLARI..... | 51 |
| 9. Baxtiyor Xalmuratov “YOMG‘IR” RAMZI BILAN BOG‘LIQ XALQ QARASHLARI..... | 58 |
| 10. Хулкар Холикулова ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКISTONДА “ЛИДЕР АЁЛ” ВА “ЗАМОНАВИЙ АЁЛ” ТУШУНЧАЛАРИ..... | 66 |
| 11. Шахноза Холикулова ЎЗБЕКISTONДА 1930-1940 ЙИЛЛАРДА КИМЁВИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ САНОАТЛАШУВИ ТАРИХИ..... | 71 |
| 12. Рашид Холмуродов ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ..... | 77 |



Рашид Маматкулович Холмуродов,
Жиззах давлат педагогика университети
Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти,

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ

For citation: Rashid M. Kholmurodov. HISTORY OF THE ACTIVITIES OF JIZZAKH STATE PEDAGOGICAL UNIVERSITY. Look to the past. 2025, vol. 8, issue 8.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.17253299>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Жиззах шаҳрида маданий қурилишнинг энг долзарб вазифаларидан бири саналган таълим тизимини шаклланиш тарихи ёритилган. Шаҳарда совет ҳукуматининг халқ таълимини амалга оширишдан кўзланган асосий мақсади – янги таълим тизимини шакллантириш, ёппасига халқ саводхонлигига эришиш баробарида аҳоли онгига, шуурига коммунистик ғояларни сингдириш, бу ғояга хизмат қиладиган авлодни тарбиялаб вояга етказишга қаратилганлиги илмий ўрганилган. Шунингдек, Жиззах давлат педагогика университети фаолияти тарихи, мазкур олий таълим ташкилотини ривожлантиришга раҳбар кадрлар ва олимларнинг қўшган ҳиссаси баён қилинган.

Калит сўзлар: Жиззах шаҳри, маданий қурилиш, таълим тизими, совет ҳукумати, халқ таълими, халқ саводхонлиги, коммунистик ғоя, авлод, тарбия, раҳбар кадрлар, олимлар.

Рашид Маматкулович Холмуродов,
Доцент кафедры истории Узбекистана,

Джизакский государственный педагогический университет

ИСТОРИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ДЖИЗАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО ПЕДАГОГИЧЕСКОГО УНИВЕРСИТЕТА

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается история становления системы образования в городе Джизаке, которая считается одной из актуальных задач культурного строительства. Научно обосновано, что главной целью советской власти при осуществлении народного образования в городе было формирование новой системы образования, достижение всеобщей грамотности, а также внедрение коммунистических идей в сознание и сознание населения, воспитание и обучение поколения, служащего этой идее. Также описывается история деятельности Джизакского государственного педагогического университета, вклад руководящих кадров и учёных в развитие этого высшего учебного заведения.

Ключевые слова: город Джизак, культурное строительство, система образования, советская власть, народное образование, народная грамотность, коммунистическая идея, поколение, образование, руководство, ученые.

Rashid M. Kholmurodov,
Associate Professor of the Department of History of Uzbekistan,
Jizzakh State Pedagogical University

HISTORY OF THE ACTIVITIES OF JIZZAKH STATE PEDAGOGICAL UNIVERSITY

ABSTRACT

This article examines the history of the development of the education system in the city of Jizzakh, which is considered one of the most pressing challenges of cultural development. It is scientifically substantiated that the main goal of the Soviet government in implementing public education in the city was to establish a new education system, achieve universal literacy, and instill communist ideas into the consciousness of the population, raising and training a generation dedicated to these ideas. The article also describes the history of Jizzakh State Pedagogical University and the contributions of its leadership and scholars to the development of this institution of higher education.

Index Terms: The city of Jizzakh, cultural development, education system, Soviet power, public education, public literacy, communist idea, generation, education, leadership, scientists.

1. Долзарблиги:

Таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар Ўзбекистонда Учинчи Ренессансга пойдевор бўлади. Шу сабабли ҳозирда мамлакатимизда узлуксиз таълимни такомиллаштириш, фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, юқори малакали педагог кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада давлат раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу — илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ”.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий қисмини, албатта, олий таълим тизимидаги ислохотлар ташкил этади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш Концепцияси мазкур соҳадаги янги ислохотлар учун дебоча вазифасини бажариб беради. Ушбу ҳужжатга интеллектуал тараққиётни жадаллаштириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш сингари вазифалар асос қилиб олинди. Концепция мазмуни мамлакатимиз олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини акс эттиради. Унда олий ўқув юртларида қамров даражасини кенгайтириш ҳамда таълим сифатини ошириш, рақамли технологиялар ва таълим платформаларини жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш, инновацион тузилмаларни шакллантириш, илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш, халқаро эътирофга эришиш ҳамда бошқа кўплаб аниқ йўналишлар белгилаб берилган. Буларнинг барчаси таълим жараёнини янги сифат босқичига кўтариш учун хизмат қилади. Бу жараёнда 1974 йил ташкил топган Жиззах давлат педагогика университетининг ҳиссасини алоҳида эътироф этиш жоиздир. Ўзбекистон Республикаси Маориф вазирлигининг 1989 йилдаги тегишли қарори асосида Жиззах давлат педагогика институтига ўзбек романчилик мактаби асосчиси, атоқли адиб Абдулла Қодирий номи берилган. 21.06.2022 йил “Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-289-сонли қарорига кўра А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтига, Жиззах давлат педагогика университети мақоми берилди.

2. Методлар:

Мақола умум эътироф этилган методлар, жумладан тарихий-таққослаш, қиёсий-таҳлил, тизимлаштириш, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, Жиззах давлат педагогика университети фаолияти тарихи ҳақида ёзилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Жиззах шаҳрида маданий қурилишнинг энг долзарб вазифаларидан бири саналган халқ таълими тизимини шакллантиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилди. Шаҳарда Совет ҳукуматининг халқ таълиминини амалга оширишдан кўзланган асосий мақсади – янги таълим тизими шакллантириш, ялписига халқ саводхонлигига эришиш баробарида аҳоли онгига, шуурига коммунистик ғояларни сингдириш, бу ғояга хизмат қиладиган авлодни тарбиялаб вояга етказишга қаратилганди.

Советлар ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йилларда маҳаллий халқнинг хоҳиш-истакларини инобатга олиб, эски ва жаҳид усулидаги мактаб ва мадрасалар фаолиятига монелик қилмади. Бироқ, бу ҳол узоқ давом этмади. 20-йилларнинг ўрталарига келиб, узоқ йиллар мобайнида ўзбек халқи маънавий ҳаётининг таркибий қисми бўлиб келган эски мактаблар, мадрасалар ва улардаги таълим тизими фаолияти тўхтатилди. Ёшларга билим бераётган кўп сонли зиёлиларнинг вакиллари, муллалар, мударрисларнинг ҳаёти таъқиб остига олиниб, оғир синовларга дучор қилинди.

1921 йил 17 ноябрда Туркистон ХКС аҳоли орасида саводсизликни тугатиш тўғрисида декрет чиқарди. Декретга биноан Жиззахда 8 ёшдан 40 ёшгача бўлган кишиларни ўқитиш ва саводхон қилиш ишлари бошланди. Саводсизликни тугатиш курсларида, асосан, маҳаллий халқни тобора советлар сиёсати ва мафқураси таъсирига олиш, ялпи тузумга хайрихоҳлигини кучайтиришга эътибор қаратилди.

Бошқа жойларда бўлганидек, Жиззах шаҳрида ҳам кўплаб саводсизликни тугатиш курслари ташкил қилиниб, уларда турли ёшдаги кишилар ўз саводларини чиқардилар. “Жиззахлик”, “Оққурғонлик”, “Совунгарлик”, “Заргарлик” ва бошқа маҳаллаларда 36 та саводсизликни тугатиш кечки курслари очилиб, турли ёшдаги эркаклар ва хотин-қизлар ўқишга жалб этилади. Жиззахда ўнлаб савобсизликни тугатиш курслари фаолият кўрсатди. 1920-1940 йилларда Жиззахлик 9 ёшдан 50 ёшгача бўлган аҳолининг 80 фоиздан ортиғи саводсизликни тугатиш курсларидан ўтиб, саводхон бўлди.

Жиззах шаҳрида 1922-1923 – ўқув йилларида 4 та умумтаълим мактабларида 325 ўқувчи таҳсил олган бўлса, 1924-1925 – ўқув йилида 15 та мактабда 1176 ўқувчи билим олди. 1931-1932 – ўқув йилида эса ўқувчилар сони 3127 нафарга етди. Ҳозирги кунда 555 та мактаб, 270 минг ўқувчини ташкил қилади.

Жиззахда 1921-1922 – ўқув йилидан ташкил этила бошланган мактаблар дастлаб ўқувчиларга бошланғич таълим (ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш) берарди. 20-йиллар ўрталарида 7 йиллик мактаблар ташкил этилади. 1934-йилда эса умумий ўрта таълим мактаблари 10 йиллик мактаблар сифатида шакллантирилди. Мактаблар бошланғич (4 йиллик), тўлиқсиз ўрта (7 йиллик), ва ўрта (10 йиллик) мактаб турларига ажратилди., бошланғич таълим олиш мажбурий қилиб қўйилди. 1938 йилдан эса умумий етти йиллик мажбурий таълим жорий этилди.

Мактаблар ва уларда таълим олувчи ўқувчилар сонининг ортиб бориши билан малакали ўқитувчиларга бўлган эҳтиёж кучайди. Шу боисдан 1929-йилда Жиззах педагогика билим юрти ташкил этилди ва 1929-1930 – ўқув йилида унга 351 ўқувчи қабул қилинди. Зомин, Ғаллаорол, Фориш туманларида пед билим юртининг маслаҳат пунктлари ташкил этилиб, сиртқи таълим ҳам йўлга қўйилди. Жиззах педагогика билим юртига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Аҳмад Имомназаров, Ғанижон Даминов, Маматкул Ҳасанов, Олимжон Каримов, Аҳмаджон Мустафоқулов, Сайёра Абдулаҳатовалар раҳбарлик қилдилар. А.Имомназаров давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов, шоир Қодиржон Имомов, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида раҳбарлик лавозимида ишлаган Синдор Ҳамрақулов, Иброҳим Қўчқоровларга устозлик қилди.

Рус-тузем мактаби негизида ташкил топган Наримонов номли (ҳозирги Ш.Рашидов номли) бошланғич мактаб 1962 йили тўлиқсиз ўрта, кейинроқ ўрта мактабга айлантирилиб,

шаҳар атрофидаги қишлоқ болалари ҳам ўқишга жалб этилди. 1928-1929 ўқув йилига келиб мактаб ўқувчилари сони 271 нафарга етиб, улар орасида маҳаллий кизлар сони кўпайиб борди. Зиё масканига халқ маорифининг жонкуяри, тажрибали педагог Йўлдош Ғошимов 1952 йилгача директорлик қилиб, таълим-тарбия ишларини яхши йўлга қўйишда жонбозлик кўрсатди. Самарали меҳнатлари эвазига Йўлдош Ғошимов икки марта “Меҳнат қизил байроқ” ордени ва медаллар билан мукофотланиб, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи” унвони билан тақдирланди. 1928 йил куз ойларида Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Советининг раиси Файзулла Хужаев Жиззахга келганди, Наримонов номли мактаб таълим-тарбия ишлари билан танишди. Файзулла Хўжаевнинг топшириғига кўра, мактабда ўқув қуроллари сотиб олиш учун 10 минг сўм маблағ ажратилди. Бу маблағ ҳисобига қўшимча синф хоналари, лаборатория хоналари қурулди. Кўрғазмали қуроллар, адабиётлар мусиқа асбоблари сотиб олинди.

Мактабни битирганлар орасида Ҳамид Олимжон, Шукур Саъдулла, Шароф Рашидов, Ўктам Опиоров, Назир Сафаров, Йўлдош Тошпўлатов, Ориф Сатдов, Насрулла Охундий, Полвон Азизов, Облоқул Муродов, Ризоқул Бобоҷонов, Қодир Ҳақимов, Сарвар Азимов, Файзиой Ортиқова, Хурсаной Рашидовалар бор эди. Уларнинг аксарияти кейинчалик Жиззах педагогика билим юртига ва бошқа шаҳарлардаги олий ўқув юртларига кириб ўқишни давом эттирдилар. 1933-1939 йилларда шу мактабни битирганлар орасида Мамат Аҳмедов, Зокир Санакулов, Абдулаҳад Аҳмадҷонов, Қаюм Шодиев, Тошпўлат Шарипов, Қодир Каримов, Убайдулла Тўракулов, Низом Кўшоқов, Орифжон Икромовлар бор эдилар.

1973-йил 29-декабрда Жиззах чўлини ўзлаштиришни тезлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг қарорига мувофиқ Сирдарё вилоятининг Жиззах, Фориш, Дўстлик, Зомин, Пахтакор, Мирзачўл, Октябрь (ҳозирда Зафаробод), Самарқанд вилоятининг Баҳмал, Ғаллаорол туманлари базасида Жиззах вилояти ташкил қилиниши муносабати билан кўплаб қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналарининг ишга туширилиши, аҳоли сонининг ўсиши натижасида мактаб ва мактабгача таълим-тарбия муассасаларининг сони ошиб, малакали ўқитувчи кадрларга бўлган талаб кучайди.

Жиззах вилоятида малакали ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжнинг ўсиб бориши инobatга олиниб, собиқ Иттифоқ Олий Совети Президиумининг 1974-йил августдаги қарорига мувофиқ Жиззах давлат педагогика институтининг ташкил топиши вилоят учун ҳамда таълим соҳасида жуда катта воқеа бўлди.

Жиззах давлат педагогика институтининг ташкил этиш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминлашда ўша пайтдаги собиқ Ўзбекистон Республикаси раҳбарлари Ш.Рашидов, Н.Худойбердиев, Жиззах вилояти раҳбарлари С.Тоиров, С.Нишоннов, Э.Исломовларнинг хизматини алоҳида таъкидлаш лозим.

Жиззах давлат педагогика институти ректори лавозимида С.Айний номли Самарқанд давлат педагогика институти ректорининг ўқув ишлари бўйича проректор бўлиб ишлаб келган филология фанлари номзоди, доцент (ҳозирда филология фанлари доктори, профессор) Б.Ўринбоев, ўқув-тарбиявий ишлар проректори этиб фалсафа фанлари номзоди, доцент З.Зубайдуллаев тайинланди. Даставвал ўз фаолиятини 2 та факультет, 4 бўлим, 425 талаба ва 19 профессор-ўқитувчилар билан бошлаган институтнинг қисқа муддат ичида моддий-техника таъминоти мустаҳкамланиб, ўқув-тарбиявий, илмий ишларни яхшилашда жуда катта ташкилий ишлар амалга оширилди. 1989-йилда Жиззах педагогика институти Абдулла Қодирий номи берилди.

Институтда 1986-1990-йилларда педагогика фанлари доктори, профессор У.Нишоналиев, 1992-1996-йилларда география фанлари доктори профессор С.А.Нишоннов, 1996-2004-йилларда химия фанлари доктори профессор Ғ.Мухаммедов, 2005-2014-йилларда математика фанлари доктори профессор О.Дўсматов, 2015-2020-йилларда сиёсий фанлар доктори профессор А.Холбековлар ректор бўлиб ишлади. Бу йилларда ҳам институтда янги факультет ва бўлимлар очилиб, ўқув-тарбиявий ва илмий ишлар замон талаблари даражасида олиб борилди.

Ўқув ишларини йўлга қўйишда профессор-ўқитувчилардан Ў.Носиров, Х.Жўраев, О.Жўраев, Ҳ.Ҳайдаров, Т.Жавлонов, Б.Тошмуродов, А.Номозов, Н.Сафаров, М.Каримов, Ғ.Кудратов, З.Ходжаев, Ш.Ҳасанов, Э.Холбутаев, Э.Эргашев, Х.Тўракулов, Б.Файзуллаев, Б.Султонов, Б.Мамажонов, Н.Алимов ва бошқалар катта ҳисса қўшишди. Институт коллективи ушбу мураббий устозларимизни порлоқ хотираларини доимо ёдга оламиз.

Ҳозирги кунда биз билан бирга университетимизни илмий ва маънавий салоҳиятини кўтаришда хормай-толмай жонбозлик кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларимиздан Х.Мавлонов, У.Жуманазаров, У.Қосимов, Ф.Ахмедшина, Д.Ходжиметова, Р.Нурқулова, Т.Холдорев, А.Бойматов, Ф.Ахмедов, А.Усмонов, А.Абдувалиев, З.Абдувалиева, Т.Исмоилов, С.Усмонов, А.Шамсиев, А.Маматов, М.Пардаев, З.Пардаева, Б.Очилова, Х.Комилов, Д.Ботиров, Ф.Хаитов ва бошқа сафдошларимизни самарали меҳнатларини кадрлаймиз. Шунингдек, истеъдодли шогирдларимиздан Ғ.Қодиров, С.Назарқосимов, А.Тангиров, Ф.Тошбоев, Ж.Ғофуров, О.Муқимов, А.Пардаев, Д.Очилова, Н.Эшонқулова, Ю.Каримова, Ж.Мажидов, Ф.Ахчаев, А.Суванкулов, Ж.Бегимкулов, Б.Қўшмуродов ва бошқа кўплаб шогирдларимиз билан фахрланамиз.

Ҳозирги кунда ректоримиз педагогика фанлари доктори профессор Ш.Шарипов бошчилигида университетимиз қиёфаси ва салоҳияти тубдан ўзгарди. Замонавий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланмоқда. Компьютер технологиялари билан дарс аудиториялари, ўқув заллари талаб даражасига кўтарилди. Бу эса ўқув жараёнида дарсни ўзлаштириш самарадорлигини ошишига имконият яратиб бермоқда. Шунингдек, янги 600 ўринли 2 та Талабалар турар жойи ва университетнинг янги биноси замон талаблари асосида қад кўтармоқда.

Университетимизда 12 та факультет, 35 та кафедра, магистратура ва докторантура йўналишлари бўйича бўлимлар мавжуд. Талабалар сони 16 мингтадан 20 мингтага ошди. Уларга 700 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар дарс бериб келишмоқда. Улардан 230 га яқини илмий даражали мураббийлар, 20 дан ортиғи фан докторлари ва профессорлардир.

Университетимиз нафақат Республикамиз олий ўқув юртлари билан, балки жаҳоннинг турли олий ўқув юртлари билан ҳам илм-фан соҳасида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, Россия, АҚШ, Англия, Франция, Хитой, Япония, Италия, Корея, Туркия каби мамлакатлар билан мустақкам узвий алоқалар ўрнатишган.

Университетимизнинг ташкил топганлигининг 50 йиллиги муносабати билан 2024-йил 27-28-сентябрь кунларида “Таълимни ривожлантириш стратегияси: кадриятларга асосланган тараққиёт” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда жаҳоннинг 20 дан ортиқ мамлакатлари олий ўқув юртларидан 60 дан ортиқ профессорлар иштирок этишди. Улар ўз чиқишларида олимлар олдида турган энг муҳим, долзарб масалалар тўғрисида маърузалар қилишди. Шу кунлари улар университетимиз олимлари билан олийгоҳимизнинг 50 йил ичида қўлга киритган ютуқлари билан танишиб, бундан кейин ўзаро илмий алоқаларимизни янада кенгайтириш масалалари билан келишиб олдилар.

Университетимиз олимлари фақат талабаларга илм бериш билан чекланиб қолмади, балки фаннинг турли соҳалари бўйича илмий мактадларни яратишга муваффақ бўлдилар.

Бугунги кунда университетда ботаника, археология, физика, филология, педагогика соҳалари бўйича илмий мактаблар юзага келди. Агарда илгари профессор-ўқитувчиларимиз ўз диссертация ишларини ҳимоя қилиш учун Москва, Денинград, Боку, Тбилиси, Олмаота, Тошкент, Самарқанд каби қатор шаҳарлардаги илмий тадқиқот марказларида бўлишган бўлса, бугунги кунда университетнинг ўзида филология, педагогика соҳалари бўйича диссертациялар ҳимоясини ўтказиш бўйича Илмий Кенгашлар фаолият юритмоқда. Ўтган эллик йил давомида университет талабалари ҳамда профессор-ўқитувчилари ҳам улкан ютуқларни қўлга киритиб келдилар. Хусусан ўтган йилларда университет талабаларидан 6 нафари Зулфия номидаги давлат мукофотини, 1 нафари “Ниҳол” мукофотини қўлга киритган бўлса, 4 нафари президент стипендиясини, 100 нафардан ортиғи эса турли номли стипендияларнинг соҳиблари бўлишди. Профессор-ўқитувчилар орасида ҳам 1 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони, 1 нафар “Меҳнат қизил байроқ”, 1 нафар “Хурмат белгиси”, 1 нафар

“Дўстлик”, 3 нафари “Меҳрат шухрати”, 2 нафар “Соғлом авлод учун” каби қатор орденларнинг соҳиблари, 100 дан ортиқ “Халқ таълими аълочи”лари, 1 нафар “Ахборот кутубхона аълочиси” ҳамда 13 нафари “Олий таълим аълочиси” кўкрак нишонларини қўлга киритганлар мавжуд.

Талаба-ёшларимиз томонидан спорт соҳасида эришган ютуқларнинг салмоғи юқоридаги рақамларимиздан ҳам юксакроқдир. Ўтган йиллар мобайнида 1 нафар Жаҳон кубоги, 4 нафар Жаҳон чемпионлари, 5 нафар Осиё чемпионлари, бир неча юзлаб халқаро спорт мусобақалари ғолиблари тайёрланди. Албатта бу ютуқларнинг тағ-замирида устозларнинг заҳматли меҳнатлари ва тўғри танланган стратегия ётибди. Янги Ўзбекистон ёшларини ҳар томонлама баркамол етук мутахассис қилиб тайёрлашга бутун эътиборларини қаратмоқдалар.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Хайдаров Н., Усмонов Қ. Jizzax tarixi. – Toshkent, 2009.
2. Jizzax viloyati arxivi. 3-jamg‘arma, 1-ro‘yxat, 339-ish, 152-varaq.
3. Jizzax viloyati ta’lim boshqarmasining joriy arxivi.
4. Jizzax viloyati arxivi. 3-jamg‘arma, 1-ro‘yxat, 339-ish, 62-63-varaqlar.
5. Jizzax davlat pedagogika universitetining joriy arxivi materiallaridan.
6. Jizzax davlat pedagogika universiteti ilmiy konferensiyasi materiallari (27-28 sentyabr, 2024-yil)



Tadqiqot.uz

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000